



**MIRZO ULUG'BEK – BUYUK MUTAFAKKIR  
OLIM VA DAVLAT ARBOBI  
XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN**

**МИРЗО УЛУГБЕК – ВЕЛИКИЙ УЧЕНЫЙ-МЫСЛИТЕЛЬ И  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ДЕЯТЕЛЬ  
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**MIRZO ULUGBEK – THE GREAT  
SCIENTIST-THINKER AND STATESMAN  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE**

"HECH BIR OTA FARZANDIGA GO'ZAL  
TARBIYA VA YAXSHI ODOBDAN ORTIQ  
BIR TUHFA IN'OM ETOLMAYDI"



Mazkur to‘plamdan “Mirzo Ulug‘bek – buyuk mutafakkir olim va davlat arbobi” mavzusidagi xalqaro ilmiy-ar y anjumandagi (2024-yil 14-15 may) maqolalar o‘rin olgan. Maqolada keltirilgan ma’lumotlar va mulohazalar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.

**Таҳрир ҳайъати**

Muminov A.G.  
Xoliqulov A.B.  
Musayev N.U.  
Ishanxodjayeva Z.R.  
Yunusova X.E.  
Kobzeva O.P.  
Jo‘rayeva S.N.  
Siddikov R.B.  
Ernazarov Sh.E.  
Narbekov A.V.  
Xudoyqulov U.K.  
Xidirov A.M.  
To‘xtabekov K.A.  
Baltabayeva M.M.  
Kandaxarov A.X.  
Akramova F.A.  
Alinazarova D.V.  
Usarov U.A.  
Tog‘ayev J.E.  
Egamberdiyeva G.A.  
Shakirov I.R.  
Qosimov M.R.  
Abdullahayev A.X.  
Raxmonova M.SH.  
Kamolova M.F.  
Egamberdiyev A.M.  
Ergashev H.Y.  
Raishev T.T.

**Редакционная коллегия**

Муминов А.Г.  
Холикулов А.Б.  
Мусаев Н.У.  
Ишанходжаева З.Р.  
Юнусова Х.Э.  
Кобзева О.П.  
Джураева С.Н.  
Сиддиков Р.Б.  
Эрназаров Ш.Э.  
Нарбеков А.В.  
Худойкулов У.К.  
Хидиров А.М.  
Тухтабеков К.А.  
Балтабаева М.М.  
Кандакхаров А.Х.  
Акрамова Ф.А.  
Алиназарова Д.В.  
Усаров У.А.  
Тогаев Ж.Э.  
Эгамбердиева Г.А.  
Шакиров И.Р.  
Косимов М.Р.  
Абдуллаев А.Х.  
Рахмонова М.Ш.  
Камолова М.Ф.  
Эгамбердиев А.М.  
Эргашев Х.Ю.  
Раишев Т.Т.

**Editorial board**

Muminov A.G.  
Kholikulov A.B.  
Musaev N.U.  
Ishankhodzhaeva Z.R.  
Yunusova Kh.E.  
Kobzeva O.P.  
Juraeva S.N.  
Siddikov R.B.  
Ernazarov Sh.E.  
Narbekov A.V.  
Xudoykulov U.K.  
Xidirov A.M.  
Tukhtabekov K.A.  
Baltabayeva M.M.  
Kandakharov A.Kh.  
Akramova F.A.  
Alinazarova D.V.  
Usarov U.A.  
Togaev J.E.  
Egamberdieva G.A.  
Shakirov I.R.  
Kosimov M.R.  
Abdullaev A.X.  
Rakhmonova M.SH.  
Kamolova M.F.  
Egamberdiev A.M.  
Ergashev H.Y.  
Raishev T.T.

Mazkur to‘plamdan “Temuriylar Renessansi va uning jahon madaniyati hamda ilm-fani rivojidagi o‘rni”, “Mirzo Ulug‘bek – buyuk mutafakkir, alloma va davlat arbobi”, “Mirzo Ulug‘bek ilmiy maktabi va zamonaviy ilm-fan taraqqiyoti”, “Tarixiy–madaniy merosni o‘rganishda axborot texnologiyalari”, “Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB masalalari” yo‘nalishlari bo‘yicha konferensiya ishtirokchilarining maqola va tezislari o‘rin olgan.

# **ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУНЁД ЭТИЛГАН МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР**

**Джураева С.Н.**  
*m.ф.д. (DSc),*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.  
Хакимова Г.О., Маманазарова А.Г.  
магистрант,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси.*

Ўрта Осиёда яратилган моддий ва маданий ёдгорликлар минтақа халқлари маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатиб, тасаввур ва тафаккурларининг бойитишга ёрдам берган. Бунга асрлар давомида маҳаллий аҳолининг қасб машғулотлари, давр ўзгаришлари, халқларнинг кўчиши, турли халқлар эътиқодларининг маҳаллий анъаналар билан трансформацияга учраши сабаб бўлган. Маълумки, Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, Мовароуннаҳрда маҳаллий анъана ва қадриятлар “Ислом маданияти” билан уйғунлашди. Жумладан, ислом маънавияти Қашқадарё воҳаси аҳолиси ҳаётига ҳам катта таъсир кўрсатиб, бу ерда ноёб маданий ва маънавий мероси, анъаналарига эга ўзига хос қурилиш услуги ривожланди.

Ўрта асрлар мобайнида воҳа сўғд, турк ҳоқонлиги, араб халифалиги, қарлуқлар, сомонийлар, қораҳонийлар, қарлуқлар, хоразмшохлар, чингизийлар, темурийлар салтанати ва Бухоронинг турли сулолалари каби шарқнинг йирик давлат бирлашмалари таркибида бўлиб келган. Вилоятнинг бир қатор меъморий ёдгорликлари бу ерда таваллуд топган буюк сиймолар номи билан аталади. Шу билан бирга, воҳада ислом олами намояндалари: тасаввуф вакиллари, саҳобалар, саййидлар, хўжалар номлари билан боғлиқ ҳақиқий ва рамзий қабрлар бўлган мақбаралар ҳам мавжуд.

Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларининг кўпчилиги Соҳибқирон Амир Темур номи билан ҳам боғланади. Амир Темур ва темурийларнинг илм аҳли, аллома ва авлиёларга ҳурмати баланд бўлганлиги боис, уларнинг қабрларини ҳам зиёрат қиласиган муборак масканга айлантирган. Ҳатто, Амир Темур ташаббуси билан ислом олами намояндалари, саҳобалар, авлиёларга бўлган ҳурмат маъносига рамзий қабрлар ҳам ташкил этилган. Бунга мисол тариқасида, Темурийлар даврида, айнан Ўзбекистонинг жанубий худудларида бунёд этилган тарихий-маданий обидаларни келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Амир Темур ҳарбий юришлари давомида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бири бўлган Абу Убайда Жарроҳ (? -639) қабрини зиёрат қилиш учун борган, мақбара ва

сағананинг таъмирсиз аҳволдалигини кўриб, уларни таъмирлашга топшириқ берган. Амир Темур Абу Убайда ибн Жарроҳнинг қабр тупроғидан олиб келиб, Қаршида ҳам мазкур шахсга бўлган ҳурмат юзасидан рамзий зиёратгоҳ барпо эттирган [1:34]. 1968-1973 йиллардаги архив ҳужжатларида кўрсатилишича, зиёратгоҳ ҳеч қандай белгиси ва ёзувлари бўлмаган қабрдангина иборат бўлган [2:26-27]. XX асрнинг бошларида қабрнинг шимолий-ғарбий томонида масжид, унинг ёнида эса, баланд бўлмаган минора жойлашган. Масжид 1926 йилда бузиб ташланган. Унинг жанубида юзаси 16 квадрат метрни ташкил этган ҳовуз бўлиб. М.Массон 70-йилларда аёлларнинг бу зиёратгоҳга ташриф буюрганини, ҳовуз яқинида катта дараҳт борлиги, масжид ва бино жойлашганлиги, кейинчалик у ерда минора пайдо бўлганлиги, мозорга кириш жойида бронза билан безалган қўп қиррали халқа мавжудлигини таъкидлайди [3:85-86]. Айтиш мумкинки, мазкур минора ва ҳовуз сақланиб қолган бўлиб, аҳоли ташрифи чоғида дараҳтни муқаддас сифатида эъзозлаб келади [4:48].

Шунингдек, Амир Темур номи билан боғлиқ яна бир рамзий зиёратгоҳ Муборак тумани Хўжа Муборак қишлоғида жойлашган бўлиб, у Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (736-799) қабри билан боғлиқ. Амир Темур Ироқнинг олис Ҳийт шаҳарчасида дағн этилган Муборак Марвазийнинг қабри ҳокидан келтириб, Муборак шахри яқинида унга рамзий мақбара бунёд эттирган [5:5]. Турли даврларда алломанинг ҳаётидан хабардор бўлган маҳаллий аҳоли томонидан мақбара атрофида умумий таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Ироқ ҳудудига юришлари даврида Мовароуннаҳрга Жунайд Бағдодийнинг (882-910) қабр тупроғидан олиб келиб рамзий зиёратгоҳ бунёд этганини зиёратгоҳ мутаваллиси Бобоев Воҳидхон эшон тасдиқлайди [6]. Бу зиёратгоҳ Нишон тумани, Отқудук қишлоғи яқинидаги Нишон чўлидаги бир тепаликда жойлашган. Алломанинг асл қабри Ироқда бўлиб, 1980 йилда Ироқ ҳукумати томонидан қайта қурилиб таъмирланган [7:34]. Ҳозирги кунда Нишондаги мақбара атрофи кенгайтирилиб, обод қилинган. Икки хонали тўрт бурчак шаклда мақбара устига гумбаз билан ёпилган иморат қурилган. Таъмирлаш давомида, қабр бошидан алломанинг исми-шарифи ёзилган қабртош топилган.

Айтиш мумкинки, Амир Темур томонидан бунёд этилган мақбаралар сони воҳада аксариятни ташкил этади. Жумладан, Ғузор тумани Мардтепа қишлоғидаги “Мири Жандо ота” археологик ёдгорлиги ўрта асрларда яшаб фаолият юритган сўфий, фақих, имом “Сухравардия” тариқатининг асосчиси Шаҳобуддин Умар Сухравардий (1144-1234) қабри устига қурилган мақбара ҳисобланади. [8:348]. У Марзабони чиллахонаси ва хужралардан иборат бўлиб, бу ерда ўз даврида шогирдлар таҳсил олишган. Ёдгорликдан фақат

мақбара сақланиб қолган бўлиб, у ўрта аср меъморчилиги услубларини ўзида акс эттирган [9:25]. Шунингдек, воҳада Амир Темурнинг ишончли саркардаси Амир Ҳусайн Қовчин номи билан боғлиқ қабртош бўлиб, у Амир Ҳусайн Қовчин зиёратгоҳи ёки Мусофир ота зиёратгоҳи ҳам деб аталади [10:4-5]. Мақбара га кираверишда ўнг томондаги Амир Ҳусайн Қовчин (ваф.1430) қабртошининг бўйи 170 см, эни 40 см, баландлиги 45 см ни ташкил этади. Қабртошнинг икки ён томонида Қуръон оятлари битилганини кўришимиз мумкин.

Воҳада Амир Темур даврига тегишли рамзий қабрлар билан бирга тарихий аҳамиятга эга бўлган меъморчилик намуналари Шахрисабзда бунёд этилганини кўришимиз мумкин. Ана шундай санъат, архитектура ёдгорликлари бугунги қунда нафақат маҳаллий аҳоли зиёрат маскани, балки ҳалқаро миқёсида туризм маскани вазифасини ҳам ўтаб келмоқда. Жумладан, Шахрисабздаги Дор ус-саодат археологик ёдгорлиги (XIV аср) Дор ут-тиловат билан бир ансамблни ташкил этган [11:66-67]. Темурийлар даври архитектурасини ўрганган олим Л.Ю.Маньковская “Дор ус-саодат”ни “Давлатмандлар уйи”, деб атаган [12:27]. Дор ус-саодат мажмуасининг курилиши Хоразм меъморий услубида яратилган. Санъатшунос оlimа Г.А.Пугаченкова Темурийлар даврида қурилган мақбараларни ўрта аср меъморчилигининг энг ажойиб намунаси, деб атайди ва буни Темурийлар даври эркаклар дафн этиладиган мақбара намунасига киритади [13:22-34].

“Дор ус-саодат” тарихи Аҳмад Яссавий мажмуасига ўхшаб кетади. Кириш йўли худойихонага, ундан сўнг Амир Темурга мўлжалланган ер ости сағанасига олиб боради. Мақбара ичкариси мурабба (томонлари тенг тўғри тўртбурчак) тархли, юзи ровоқлар, ичи ва гумбаз ости бағаллари муқарнас билан тўлдирилган. Ташқаридаги 16 қиррали пойгумбаз устига баланд кулоҳий гумбаз ўрнатилган. Жануби-гарбий бурчагида минора сақланган. “Дор ус-саодат” энг улкан бино бўлиб, баландлиги 70 метр, эни эса 50 метр. Жаҳонгир Мирзо мақбараси баландлиги 25 метр, эни 15 метр, Амир Темур гўрхонаси  $5 \times 5$  метр, масжиди эса, бўйи 35 метр, эни 20 метр. Барчаси бир-бирига тақаб қурилиб, ҳашаматли кўринишдан иборат. Мақбара Амир Темур томонидан 1378-1380 йилларда қурилган. XIX аср ўрталарида мақбара ёнига синчкорли катта айвон, хужралар ва гумбазли хонақоҳ-жомеъ масжиди барпо этилган. Масjid қурилиши вақтида Амир Темурнинг ер ости гўрхонасининг куббаси очилган [14:18].

Дор ут-тиловат (XIV аср) археологик ёдгорлиги катта ансамбл таркибида бўлиб, Амир Темурнинг отаси Амир Тарагайнинг пири Шамсиддин Кулол (? - 1370) номи билан боғлиқ [15:196-202]. Амир Темур 1373-1374 йилларда Шамсиддин Кулол қабри устига мақбара қурдирган ва унинг пойига отаси ҳам

дафн этилган. Мақбара қурилиши Улуғбек ҳукмронлиги даврида ниҳоясига етказилган [16-139-141]. Соддагина таъмир қилинган Шамсиддин Кулол қабри усти кейинчалик икки устунли синчкор том билан ёпиб қўйилган. Кейинги шувоқнинг бўртиб турган жойларидан тўртбурчак бинонинг тўртта равоқи бўлганини кузатиш мумкин. Асосий кириш эшиги пештоқ қўринишида безатилган. Унинг қархисида масжид, жанубида яна бир мақбара қад кўтарган [12:33-44]. Бироқ бино қадимги асосини сақлаб қолган. Бино анъанавий тарзда чорси хонали қилиб қурилган, тепасига гумбаз беркитилган, равоғи кичикроқ [13:22]. Мақбара ичида XV-XVIII асрларда бошқа қабристондан келтирилган бир неча сағаналар бор. Ҳовли томонга қаратиб қурилган масжид, мақбаралар, мадрасасининг дарсхонаси, кейинчалик қурилган қўшимча бинолар эгаллаган.

Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундалиги”да айтилишича XV аср бошларида Испаниядан келган элчига Амир Темур давлати ва Усмонли Турк сultonлиги ҳақида аниқ маълумотлар олиб келиш топширилган эди. Элчи Руи Гонсалес ўз асарида, Кеш (Шахрисабз) ҳақида: “Кешдаги Темурбек томонидан қурилган масжид ва унинг отаси дафн этилган мақбара борлиги ҳамда Амир Темур амири билан қурилаётган бу мақбара ҳали битмагани айтган. Темурбекнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо шу масжидда дафн этилгани ҳамда масжидда ҳар куни отаси ва ўғлиниң хотирасига атаб, элга худойи ош берилгани қайд этилган” [17:146-147].

Шахрисабзда қурдирилган бинолар, асосан даҳмалардан иборат. Термиз саййидлари билан боғлиқ Гумбази Сайидон (Сайидлар гумбази мақбараси, XV аср) Дор ут-тиловат ансамблиниң бир қисмини ташкил этади [18:16-17]. Гумбази Сайидон меъморий ёдгорлиги 1437-1438 йилларда Мирзо Улуғбек томонидан қурилган бўлиб, у буни “Улуғбек оиласи ҳилхонаси” сифатида бунёд этган [16: 139-141]. Мақбара чортоқ тархли (ташки ўлчами 9-9, ички томони 5,75×5,75 м), пойгумбази саккиз қиррали (празмасимон) гумбаз билан копланган. Мақбара ички деворларидаги равоқлар икки қатор бўлиб, устидаги бурчакларда туйнук ва кенг токчалар мавжуд. Мақбара ичида XV-XVIII асрларда қўшни қабристондан келтирилган бир неча ўзга сағаналар бор. Уларнинг ёзувларда Термиз саййидларнинг номи эслатилади [19:73-75].

Темурийлар авлоди вакиллари томонидан ҳам ислом йўлида хизмат қилган олим, уламо, авлиёларга хурмат маъносида сағана ва қурилиш ишларини олиб боришган. Масалан, Шоҳруҳ Мирзо Китоб тумани Мўғул қишлоғида Неъматуллоҳ Валий (1330-1431) номи билан боғлиқ олти бурчакли мақбара қурдирган [20:357]. Қабр устига қўйилган тош ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Маҳаллий раҳбарият ташабbusи билан 2013 йил мақбара таъмирланиб, зиёратчилар учун барча шароит яратилган.

Темурийлар даври архитектураси билан боғлиқ яна бир зиёратгоҳ Яккабоғ тумани Лангар қишлоғидаги Ҳазрати Лангар (XV аср) маскани бўлиб, унда 5 та қабр жойлашган. Мазкур мақбара қабристоннинг қуий тарафи бўлган адир устида қурилган бўлиб, ўлчами  $14 \times 12,5$ , пештоқи гумбазли, бир хонали ( $5,2 \times 5,2$ ) тўрт томонлама кесишган равокқа таянган, токчалари муқарнас нақшли, равоқлари икки қаватли, рангли ўйма ганч билан кирма усулида безатилган. Мақбара сиртига ғишталар “бандак” ва “мавж” услубида терилган, уни безатишда қизил ва бошқа ранглардан фойдаланилган. Мақбара эшиги арабий ёзув билан безатилган [21:6-7]. Мақбарага тўртта йўлакдан чиқиб келиш мумкин. Бино ихчам, салобатли бўлиб, унинг ташқи қўриниши Самарқанддаги Остона бобо мақбарасига ўхшаб кетсада, бироқ, қўриниш жиҳатдан ундан катта.

Таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда қурилган бундай архитектура ёдгорликларининг безак ишлари ранги, мозаикаси ва охори ҳозирги кунга қадар сақланиб қолмоқда. Бу шу давр қурувчи ва меъморларининг маҳорати ҳамда табиат билан уйғунликда санъат асарлари даражасида ишлар қилганлигини кўрсатади.

Қашқадарё воҳасида қурилиш услуби Темурийлар даврига оид Миришкор тумани Помук қишлоғининг ғарбий томонида жойлашган Исҳоқ бува ёдгорлиги ҳам зиёратгоҳ саналиб, унинг қурилиш даври номаълум, аммо мақбара тузилиши жиҳатидан Ҳазрати Башир меъморий ёдгорлиги билан ўхшаш, мақбарани XV аср охири XVI аср бошига тегишли, дейиш мумкин. Обида тўртбурчак томи икки поғонали тагламага ўрнатилган, усти ясси ва ҳашамли серкирра қўринишига эга. Томининг устида мўрига ўхшатиб қўйилган гумбазча бор. Мақбаранинг ички томони шифти ёғочдан ўйиб ишланган нақшлар билан безатилган. Ёдгорлик ичидағи тўрт томонига устун қўйилган ёғоч сафана меъморчиликнинг ноёб усулидир [22].

Китоб тумани Хўжайфароз қишлоғи Оқсув дарёси бўйида Шайх Нажмиддин ва улуғ пир Дарвеш Муҳаммад сағаналари жойлашган. Маҳаллий зиёлиларнинг фаразларига кўра, мазкур қабрлар сағанасининг қурилиши Амир Темур номи билан боғлиқ. Шайхларнинг қабрлари ер устида умумий тўртбурчак шаклда қурилган катта сағана қўринишидаги иншоот ичига қўйилган. Умумий сағананинг баландлиги 4 м, эни тахм. 8 м, бўйи 12 м ни ташкил этади. Умумий сағана мармар билан қопланиб, оқ ва жигар ранг билан ишлов берилган. Сағананинг ёнида учта шайхнинг исми-шарифи ва яшаб ўтган йиллари ёзилган. Сағана олдида ёғочдан туғ қўйилган [23].

Шу ўринда таъкидлаш, лозимки, 1961 йили археологик изланиш баҳонасида улуғ шайхларнинг боши устида қўйилган белги-тошлар олиб кетилган [24:88-91]. Ҳозирги кунда зиёратгоҳ худудида фақат масжид бўлиб,

иичида чиллахона бор ва у яхши сақланган. Қурилиш услубига кўра масжид тўртбурчак шаклда, устига гумбаз ёпилган. Масжиднинг олди очиқ айвон қилиб ёпилган ва ҳовлисида маҳаллий аҳолининг фикрича "Амир Темур томонидан экилган" дейилган терак дарахти бор.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари архитектура меъморий услублари ислом маданиятининг намуналарини бирлаштирган ёдгорликлар ташкил этади. Бундай ёдгорликларнинг аксарияти Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган. Ҳозирги кунга қадар сақланиб келинаётган бу ёдгорликларга маҳаллий аҳоли томонидан катта эътибор қаратилиб, зиёрат ибодат маскани сифатида фойдаланилган.

Маҳаллий аҳоли ҳаётида зиёратгоҳларнинг пайдо бўлишини Амир Темур номи билан ҳам боғлашади, чунки айнан Амир Темур ва Темурийларнинг илм аҳли, аллома ва авлиёларга ҳурмати баланд бўлган. Шу сабаб уларнинг қабрларини ҳам халқ зиёрат қиласидаган муборак масканга айлантирган. Шунинг учун зиёратгоҳларда қурилган мақбаралар тузилиши ва қўриниши Темурийлар даври меъморчилик услуби анъаналарини такрорлайди.

Воҳа зиёратгоҳлари архитектурасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда тарихий шахслар номи билан боғлиқ мақбара, сағаналарда ислом каломи Қуръон ва ҳадислардан парча ҳамда оятлар қайд этилиши кузатилади. Бу, бевосита ўрта асрлар даври қурилиши ва безак ишларининг ислом анъаналари билан симбиозини кўрсатади.

#### **Адабиётлар:**

1. Пўлатов С., Бўтаев А. Қарши-қадимий шаҳар. - Қарши: Насаф, 2006.-Б. 34.
2. Қашқадарё вилояти давлат архиви. 527-фонд, 1-рўйхат, 4-ийғма жилд, 26-27 варақлар.
3. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадаръи с древнейших времен. (Из работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.). -Тошкент: Фан, 1973. - С. 85-86.
4. Насриддинов Қ., Хўжаяров Ў. Қарши шаҳрининг меъморчилик ёдгорликлари.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. -Б. 48.
5. Муҳаммад Усмон Жалол. Буюк донишманд (Абдуллоҳ ибн ал-Муборак). -Самарқанд: Имом Бухорий Халқаро Маркази, 2009.-Б.5.
6. Нишон тумани Отқудук қишлоғида зиёратоҳ мутаваллиси, 1981 йилда туғилган Бобоев Воҳидхон эшон билан бўлган сұхбат. 2021 йил 30 август. 4-дафтар.
7. Исмоил Ҳожи Райхонов. Ҳазрат Жунайд ал-Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. Қарши: Насаф, 2017.-Б.34.
8. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Тошкент: Чўлпон, 1991. – 348 б.

9. Муҳаммадкаримов А., Обидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. Тошкент, Navro'z, 2016. - Б. 25.
10. Эргашпв А. "Мусоғир ота ёхуд Амир Ҳусайн Қовчин" зиёратгоҳи.- Тошкент: Hilol media. 2018.-Б. 4-5.
11. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. Тошкент: Узбекистан, 1986. - С. 66-67.
12. Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). Ўзбекистон, 1979. – Б. 27.
13. Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Архитектурное наследие Темура. L'Héritage architectural de Timour - Тошкент: Главная редакция энциклопедий, 1996.-С. 22-34.
14. Маданий мерос департаменти архиви. КД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 18 варак.
15. Бабаджанова Г.И., Колбинцев А.П., Манковская Л.Ю. По древним городам Узбекистана: Самарканд. Шахрисабз. Бухара. Хива. М.: Профиздат, 1988. - С. 196-202.
16. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1958. - С. 139-141.
17. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Маъсул муҳаррир Муҳаммад Али: Сўзбоши ва изоҳлар муалл. М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. Тошкент: Ozbekiston, 2010.- Б. 146-147.
18. Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана. Москва, Стройиздат. 1987. – С. 16-17.
19. Маданий мерос департаменти архиви. КД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 73-75 вараклар.
20. Ислом энциклопедияси. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 357.
21. Маданий мерос департаменти архиви. КД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 6-7 вараклар.
22. Дала тадқиқотлари. -Қашқадарё вилояти Миришкор тумани. 2021 йил 31 август. 4-дафтар.
23. Дала тадқиқотлари.-Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2021 йил 21 август. 4-дафтар.
24. Бердиев А. Оқ-сув зиёратгоҳи ҳақида // Мавлоно Абдулбоқи Ҳожаги Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Тошкент, 2013. – Б. 88-91.

25. Djuraeva, S. (2022). ПАЛОМНИЧЕСТВО ИМЕНИ ТЕРМИЗИ АЛЛОМАЛОВ. Journal of Social Research in Uzbekistan, 2(01), 83-88.
26. Djuraeva, S. N. (2022). ANALYSIS OF SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY OF TASHKENT SHRINES. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(12), 627-635.
27. Djuraeva, S. (2020). Ceremonies And Actions Performed By The Population At The Pilgrimage. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(11), 1-6.
28. Djuraeva, S. (2020). Classification Of Pilgrimages In Sherobod Oasis. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(11), 17-20.
29. Djuraeva, S. N., & Rakhimjanov, D. A. (2022). TRADE RELATIONS OF THE SURKHAN OASIS ON THE GREAT SILK ROAD IN THE MIDDLE AGES AND THE CRAFTS THAT FLOURISHED THERE. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 2(12), 56-61.
30. Djuraeva, S. (2020). The role of spiritual and material heritage of Surkhandarya region in the development of tourism. Solid State Technology, 63(6), 290-296.
31. Djuraeva, S. (2019). SACRED PLACES IN SURKHAN OASIS AND POPULATION'S RELIGIOUS LIFE. Theoretical & Applied Science, (7), 125-130.

## **ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МОВОРАУННАҲРДА ТАЪЛИМ ТАРИХИ**

**Ғаффоров Ш.С.**  
*m.ф.д., профессор,*  
*Самарқанд давлат университети*

Баъзи маданият ва таълим тарихига оид асарларда, ислом ўлкаларида мадрасаларнинг майдонга келиш тарихини X юз йилликка тегишли деб, биринчи мадрасалар Нишопурда бунёд этилган, тарзида мулоҳаза юритади. Аммо тарихий манбаларнинг, жумладан Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида эслатилишича, X юз йилликнинг аввалидаёқ Бухорда мадрасалар бўлиб, улардан бири мадраса-и Форжак 937 йилда содир бўлган ёнгин вақтида анча зарап кўрган экан [1].

Демак, таълим тизимининг муҳим босқичларидан бири бўлган мадрасаларнинг диёримиздаги икки муazzam шаҳарда – Самарқанду Бухорода, эҳтимол, ислом дунёсида биринчилардан бўлиб бунёд этилиши VIII юз йилликнинг охири ва IX юз йилликнинг бошларига тўғри келади.

Ўлкамизда қадимда таълим-тарбия тизими уч босқич ҳамда унинг уч муассасаси-ибтидоий мактаб, ўрта ёки ўрта маҳсус маълумот берувчи мадраса

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

### ***TEMURIYLAR RENESSANSI VA UNING JAHON MADANIYATI HAMDA ILM-FANI RIVOJIDAGI O'RNI***

\*\*\*

### **ТИМУРИДСКИЙ РЕНЕССАНС И ЕГО РОЛЬ В РАЗВИТИИ МИРОВОЙ КУЛЬТУРЫ И НАУКИ**

\*\*\*

### ***TIMURID RENAISSANCE AND ITS ROLE IN THE DEVELOPMENT OF WORLD CULTURE AND SCIENCE***

<b>Маджидов И.</b>	МИРЗО УЛУФБЕК ОБСЕРВАТОРИЯСИ ВА	3
<b>Аяган Б.Г.</b>	КУЗАТУВЛАРИ НАТИЖАСИ АК ОРДА ВО ВРЕМЯ УЛУГБЕКА. ХАН БАРАК И ЕГО ГИБЕЛЬ У РЕКИ ЖАЙИК В 1428 ГОДУ.	6
<b>Бўриев О.</b>	“ТАРИХИ АРБАЪ УЛУС” АСАРИНИНГ МАНБАВИЙ-КИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ	13
<b>Babajanova D.</b>	TEMURIYLAR RENESSANSI VA UNING JAHON MADANIYATI HAMDA ILM-FANI RIVOJIDAGI O'RNI	19
<b>Mavlanov U.M.</b>	THE ROLE OF THE EDUCATION SYSTEM IN THE RENAISSANCE OF DURING THE PERIOD OF AMIR TIMUR AND TIMURIDS	25
<b>Абдуллаев Д.Н.</b>	ТЕМУРИЙЛАР РЕНЕССАНСИ ДАВРИДА ҲУҚМДОРЛАРНИНГ ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН	30
<b>Кобзева О.П., Азимбаева Ф.С.</b>	У ИСТОКОВ «ТЕМУРИДСКОГО РЕНЕССАНСА»: ФАТИМА АЛЬ-ФИХРИЯ И ОСНОВАНИЕ ПЕРВОГО УНИВЕРСИТЕТА	35
<b>Замонов А.Т.</b>	ШАҲРИСАБЗ ТОПОНИМИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	39
<b>Смадияров С.А., Осмонов С.Ж.</b>	ИСТОРИЧЕСКИЕ МЕСТА В КЫРГЫЗСТАНЕ, СВЯЗАННЫЕ С ИМЕНЕМ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ	44
<b>Мухамеджанова В.А.</b>	ИСТОРИЯ НАУЧНОГО И КУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ ЭПОХИ ТЕМУРИДОВ	48
<b>Нурқулова Р.Р., Шаропов С.</b>	АМИР ТЕМУРНИНГ ВАТАНИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ	53
<b>Нарбеков А.В.</b>	АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁДА МЕъМОРЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУНЁД ЭТИЛГАН МЕъМОРИЙ ёДГОРЛИКЛАР	58
<b>Джураева С. Н., Хакимова Г. О., Маманазарова А.Г. Faффоров Ш.С.</b>	ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МОВОРАУННАҲРДА ТАъЛИМ ТАРИХИ	69
<b>Ҳамроева Ҳ.</b>	ТЕМУРИЙЛАР РЕНЕССАНСИ: БУЮК ОЛИМ, МУТАФАККИР МИРЗО УЛУФБЕК ФЕНОМЕНИ	76
<b>Нурқулова Р.Р.</b>	АМИР ТЕМУР – ФАХРИМИЗ ВА ФУРУРИМИЗ	81
<b>Yusupova S.N. Karimov X.U.</b>	TEMURIYLAR RENESSANSI VA UNING JAHON MADANIYATI RIVOJIDAGI O'RNI	87

<b>Аскаров М.М.</b>	РОЛЬ СИМВОЛОВ В ЭТНОКУЛЬТУРНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ УЗБЕКОВ (НА ПРИМЕРЕ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ)	90
<b>Ziyayeva R.A.</b>	TEMURIYLAR DAVRI ME'MORCHILIGI	96
<b>Ismailov A.F.</b>	AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDA ILM-FAN RAVNAQI	100
<b>Бўриев О., Хўжаёров А.О. Qorayev Sh.M.</b>	ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ РЕНЕССАНСИ – УЙГОНИШ ДАВРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ TEMURIYLAR DAVRIDA SAMARQAND ADABIY MUHITI (Sulton Ulug‘bek Mirzo saroyi adabiy majlislari misolida)	104 112
<b>Ismatullayev F.</b>	TEMURIYLAR DAVRI TARIXINI YEVROPADA O'RGANILISHI	121
<b>Baxranov Sh.T., Sirliev E.N.</b>	GONSALES DE KLAVIXONING AMIR TEMUR ADOLATI BORASIDAGI FIKRLARI	125
<b>Бегалиев Н.</b>	БУХОРО – ҚАРШИ САВДО ЙЎЛИДА ЖОЙЛАШГАН САРДОБАЛАР	129
<b>Тангиров О.Э. Турганов Б.К.</b>	АМИР ТЕМУРНИНГ ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТЛАРИ ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ХОРАЗМДА МЕТАЛСОЗЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ	133 137
<b>Мажидов А., Жумаев Ж. Ахроров Б.Б.</b>	ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТ РАВНАҚИ ТЕМУРИДСКИЙ РЕНЕССАНС И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА КУЛЬТУРУ ИРАНА XIV-XV ВВ.	142 148
<b>Раишев Т.Т.</b>	РАЗВИТИЕ МЕДИЦИНСКОГО ДЕЛА ПРИ ТЕМУРИДАХ	153
<b>Asatov Y.</b>	SHOHRUX MIRZONING JANUBIY HINDISTON HUKMDORLARI BILAN OLIB BORGAN DIPLOMATIK ALOQALARI TARIXI	156
<b>Jabborova Z., Xamidova M.</b>	QASHQADARYO VILOYATI TARIXIY QADAMJOSI XO'JA ILM KON XONAQSINING YANGI IMKONIYATLARI	162
<b>Begaliyev T., Normamatova M. Qurbanova M.A.</b>	AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDA BUYUK IPAK YO'LIDAGI DAVLATLARARO ALOQALAR AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDA ILM-FAN VA SAN'AT	165 169
<b>Safarova O‘.A.</b>	TEMURIYLAR RENESSANSI VA UNING ILM-FAN RIVOJIDAGI O'RNI	173
<b>Do'smaxmatov J.B.</b>	SAMARQAND ZIYORATGOHLARIDA GO'RI AMIR MAQBARASINING TUTGAN O'RNI	177
<b>Сайдуллаева М.Х., Жумабаев С. Yo'ldoshev U., Abdurahmonov I.M., Abdurashidova D.J.</b>	АМИР ТЕМУР – МОҲИР ДИПЛОМАТ, ЮҚСАК МАДАНИЯТ СОҲИБИ AMIR TEMUR DAVRIDA ILM-FAN, MADANIYAT VA DAVLAT RIVOJI	182 190

**MIRZO ULUG'BEK – BUYUK MUTAFAKKIR ALLOMA VA DAVLAT ARBOVI**

\*\*\*

**МИРЗО УЛУГБЕК – ВЕЛИКИЙ МЫСЛИТЕЛЬ И ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ДЕЯТЕЛЬ**

\*\*\*

**MIRZO ULUGBEK – IS A GREAT THINKER, SCHOLAR AND STATESMAN**

<b>Yusupova D.Y.</b>	MIRZO ULUG'BEK DAVRIDA FAN VA TA'LIM	193
<b>Алимова Да.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК: НЕЗАУРЯДНЫЙ ГОСУДАРЬ ИЛИ «КОРОНОВАННЫЙ УЧЕНЫЙ»?	200
<b>Турсунов Б.Р.</b>	МИРЗО УЛУГБЕКНИНГ «ТАРИХИ АРБАЪ УЛУС» АСАРИДА ХОРАЗМШОҲЛАР ВА ЮРТИМИЗГА МҮЃУЛЛАР ТАЖОВУЗИНИНГ АҚС ЭТТИРИЛИШИ	208
<b>Мусаев Н.У.</b>	“ЗИЖИ ЖАДИДИ КУРАГОНИЙ” БАРЧА ДАВРЛАРДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МУКАММАЛ АСРОНОМИК АСАРДИР	213
<b>Исмаилова Ж.Х.</b>	ИЗ ИСТОРИИ ОБСЕРВАТОРИИ МИРЗО УЛУГБЕКА	220
<b>Бўриев О.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК ИЛМ – МАЪРИФАТ ҲОМИЙСИ	225
<b>Сыздыкова Ж.С.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК – ВЕЛИКИЙ УЧЕНЫЙ И ПРОСВЕТИТЕЛЬ	232
<b>Xamidova M.S.</b>	MIRZO ULUG'BEK TOMONIDAN KESHDA AMALGA OSHIRILGAN BUNYODKORLIK ISHLARI TARIXIDAN	236
<b>Kaliev A.S., Myrzabaeva N.S.</b>	ANALYSIS OF SCIENTIFIC AND POLITICAL ACTIVITY OF MIRZO ULUGBEK	240
<b>Одилов А.А.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК – МОВАРОУННАҲР ҲУКМДОРИ ВА БУЮК ОЛИМ	246
<b>Атаджанова С.М.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК – ИЛМ ФАН ВА МАДАНИЯТ ҲОМИЙСИ	253
<b>Mulladjanova R.A.</b>	MIRZO ULUG'BEK – ZABARDAST OLIM, ILM – FAN, MADANIYAT XOMIYSI	258
<b>Худойқулов У.К.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК ДАВРИДА МЕЪМОРЧИЛИКНИНГ РАВНАҚ ТОПИШДА БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР	261
<b>Исамитдинов Ж.Б.</b>	О СОЗИДАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МИРЗО УЛУГБЕКА В ОБЛАСТИ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ	265
<b>Сиддиқов Р.Б. Mirzayev A.T.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК АКАДЕМИЯСИ	270
<b>Karimov O'.M. Kandaxarov A.X.</b>	MIRZO ULUG'BEK DAVRIGA OID ME'MORIY OBIDALAR – TARIXIY YODGORLIK SIFATIDA	274
<b>Ulashova S.U.</b>	BUYUK ASTRONOM – MIRZO ULUG'BEK	277
<b>Usarov U.A.</b>	MIRZO ULUG'BEK – MA'RIFATPARVAR HUKMDOR	282
<b>Бобоҷонов Ш.У. Савриев Ж.Ф.</b>	MIRZO ULUG'BEKNING “TO'RT ULUS TARIXI”DA CHIG'ATOY ULUSI TARIXINING YORITILISHI	287
<b>Хўжаёров А.О.</b>	MIRZO ULUG'BEK – ILM-FAN VA MADANIYAT HOMIYSI	290
<b>Ernazarov Sh.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК ҚУРДИРГАН БИРИНЧИ МАДРАСА ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА МИРЗО УЛУГБЕК ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИК ВА САНЪАТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАРАЖАСИ	294
	МИРЗО УЛУГБЕКНИНГ АСТРОНОМИЯ ИЛМИ	299
	РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	302
	MIRZO ULUG'BEK – IKKINCHI RENESSANS G'OYALARI ASOSCHISI	307

<b>Илмуродова Ф.Ш., Набиженова Д.В. Abduraxmonova K.R.</b>	МИРЗА УЛУГБЕК ВЕЛИКИЙ МЫСЛИТЕЛЬ, УЧЕНЫЙ И ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ДЕЯТЕЛЬ MIRZO ULUG'BEK HUKMRONLIGI DAVRIDA TIBBIYOT ILMINING TARAQQIYOTI	313 316
<b>Abdullaev A.H.</b>	MIRZO ULUG'BEKNING "ZIJI KO'RAGONIY" ASTRONOMIK JADVALI HAQIDA	320
<b>Raxmanova M.SH.</b>	MIRZO ULUG'BEK SIYMOSINING AYRIM TARIXIY MANBALARDA YORITILISHI	323
<b>Ergashev H.Y.</b>	MIRZO ULUG'BEK – O'RTA ASRNING SIRLI TILSIMLARINI OCHGAN OLIM.	326
<b>Рўзиқулов А.Б. Холматов О.И.</b>	УЛУГБЕК ИЖОДИ ВА МЕРОСИГА БИР НАЗАР МИРЗО УЛУГБЕКНИНГ ШАҲРИСАБЗДА ОЛИБ БОРГАН ИСЛОҲОТЛАРИ	331 334
<b>Hamrayeva F.D.</b>	MIRZO ULUG'BEKNING MAORIF TIZIMIDAGI ISLOHATLARI	338
<b>Yuldashev B.U.</b>	"BOBURNOMA" VA "JAHONGIRNOMA" ASARLARIDA MIRZO ULUG'BEK SHAXSI	342
<b>Shamsiddinova Sh.</b>	MIRZO ULUG'BEKNING IJTIMOIY-IQTISODIY HAYOTNI RIVOJLANTIRISH BORASIDA AMALGA OSHIRGAN ISHLARI	345
<b>Kamolova M.F., Saidqulova I.O.</b>	MIRZO ULUG'BEK DAVRI ARXITEKTURASI – TEMURIYLAR SULOLASI ME'MORCHILIGINING YANGI BOSQICHI	348
<b>Бахтиёрзода О.Б. Juraqulova F.</b>	НАСЛЕДНИКИ МИРЗО УЛУГБЕКА ULUG'BEK DAVRI ME'MORCHILIGINI ZAMONAVIY TURIZMNING RIVOJIDAGI O'RNI	352 356
<b>Matchanova M.M.</b>	MIRZO ULUG'BEK – BUYUK ALLOMA VA DAVLAT ARBOBI	360
<b>Юсуббаева М.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК – БУЮК МУТАФАККИР ВА ДАВЛАТ АРБОБИ	364
<b>Avazxonov T.A.</b>	ISPANIYA ELCHISI RUI GONSALES DE KLAVIXONING ESDALIKLARIDA AMIR TEMUR SHAXSI	367
<b>Mansurova N.</b>	MIRZO ULUG'BEK BOSHQARUVI DAVRI VA UNING DAVRIDA MAMLAKATDA GENDER TENGLIK SIYOSATI	373
<b>Ozodova O'.D.</b>	XV ASR ILM-FAN TARAQQIYOTIDA SAMARQAND AKADEMIYASINING TUTGAN O'RNI	377
<b>Shodiyeva A.Z.</b>	MIRZO ULUG'BEK – BUYUK OLIM VA DAVLAT ARBOBI	379

***MIRZO ULUG'BEK ILMIY MAKTABI VA ZAMONAVIY ILM-FAN TARAQQIYOTI \*\*\*  
НАУЧНАЯ ШКОЛА МИРЗО УЛУГБЕКА И РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ  
\*\*\****

***MIRZO ULUGBEK SCIENTIFIC SCHOOL AND THE DEVELOPMENT OF MODERN  
SCIENCE***

<b>Сагдуллаев А.С. Махкамова Н.Р.</b>	К ИЗУЧЕНИЮ ОБСЕРВАТОРИИ УЛУГБЕКА ВИРТУАЛЬНЫЕ МУЗЕИ И ЭКСПОЗИЦИИ: НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ ПОПУЛЯРИЗАЦИИ ИСТОРИКО- КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ ВЕЛИКОГО УЧЁНОГО- МЫСЛИТЕЛЯ МИРЗО УЛУГБЕКА	384 390
<b>Миртаджиева К.Т.</b>	К ПРОБЛЕМЕ ФОРМИРОВАНИЯ КОЛЬЦЕОБРАЗНЫХ СТРУКТУР В ГАЛАКТИКАХ	394

<b>Ахунов Т.А., Бурхонов О.А., Беков Д.Х., Алимова Н.Р. Кобзева О.П., Ваисова Н.А. Мўминова Г.Э., Эштемиров Ж.С.</b>	<b>ИССЛЕДОВАНИЕ ИЗБРАННЫХ ГРАВИТАЦИОННО ЛИНЗИРОВАННЫХ КВАЗАРОВ</b>	399
<b>Танияева Г.М.</b>	<b>АМИР ТЕМУР—ПОКРОВИТЕЛЬ И МЕЦЕНАТ НАУКИ В МАВЕРАННАХРЕ И ХОРАСАНЕ</b>	406
<b>Абдуллаев Ў.Ш.</b>	<b>ҚАРШИ ШАҲАР МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ТАДБИРЛАРИ</b>	413
<b>Хомидов А., Абдукаримов Ж.</b>	<b>ЁШ ОЛИМАНИНГ УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИГА ОИД АТАМАНИ АНИҚЛАШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ</b>	419
<b>Gagarina D.</b>	<b>УЛУҒБЕК МАДРАСАСИДАН САМАРҚАНД УНИВЕРСИТЕТИГАЧА (Самарқанд давлат университети тариҳидан)</b>	422
<b>İlhan Aslan</b>	<b>ТАРИХ ДАРСЛАРИДА “БҮЮК АСТРОНОМ МИРЗО УЛУҒБЕК ҲУКМРОНЛИГИ” МАВЗУСИНИ ИННОВАЦИОН ҮҚИТИШ УСУЛЛАРИ</b>	428
<b>Эгамбердиева Г.А., Юсупова З.М.</b>	<b>DECOLONIZING KNOWLEDGE THROUGH POSTCOLONIAL DIGITAL HUMANITIES IN CENTRAL ASIA</b>	434
<b>Смесова Е.А.</b>	<b>THE IMPORTANCE OF ARMENIAN SOURCES IN THE STUDIES OF THE TIMURID HISTORY</b>	437
<b>Нурутдинов Ҳ.А.</b>	<b>АРХИТЕКТУРНЫЕ ПАМЯТНИКИ ТЕМУРИДСКОГО РЕНЕССАНСА В ГОРОДЕ ШАХРИСАБЗ КАК ВАЖНЫЕ ОБЪЕКТЫ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА</b>	440
<b>Азизов С., Нуритдинов С. Кувватова Н.</b>	<b>РОЛЬ КРАЕВЕДОВ XIX ВЕКА В ИЗУЧЕНИИ И ПОПУЛЯРИЗАЦИИ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ МИРЗО УЛУГБЕКА</b>	444
<b>Илмурадова Ф.Ш.</b>	<b>БОБУРНИНГ ҲАРБИЙ САНЬАТИ РИВОЖИДА СФЕРИК/АМАЛИЙ АСТРОНОМИЯ ЖИҲАТЛАРИ</b>	450
<b>Музafferова Л.Н.</b>	<b>МИРЗО УЛУҒБЕК МАКТАБИНинг ИЛМИЙ ЮТУҚЛАРИ</b>	455
<b>Norkobilov T., Boymirzayev S.</b>	<b>СОЦИАЛЬНЫЙ СРЕЗ ОБЩЕСТВА БУХАРСКОГО ЭМИРАТА В КОНЦЕ XIX — НАЧАЛЕ XX ВВ.</b>	459
<b>Bekenova A.A.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА АМИР ТЕМУР МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ ТУЗИЛИШИДА ТУТГАН ЎРНИ НОВЫЕ МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ ЖИЗНИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МИРЗО УЛУГБЕКА</b>	466
<b>Xurramov M.</b>	<b>O'ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYIDA SAQLANAYOTGAN MIRZO ULUG'BEK DAVRIGA OID EKSPONATLAR HAQIDA</b>	471
<b>Begaliyev N.T., Nosirova K.S.</b>	<b>TEMURIYLAR DAVRIDA DIN VA XALQARO MADANIY ALOQALARNING MUZEY EKSPOZITSIYASIDA YORITILISHI</b>	475
	<b>SHAHRISABZ MAHALLALARINING O'RTA ASR SHAHARSOZLIGI NAMUNASI VA XX ASRGA OID TARIXI</b>	481
	<b>BOBUR VA BOBURIYLAR DAVRIDA ME'MORCHILIK SOHASINING YUKSALISHI</b>	484
		488

Ollayorov M.M, Shamshiyev F.T.	JAMES WEBB KOSMIK TELESKOPI VA UNING DASTALABKI KUZATUV NATIJALARINI TAHLILI HAQIDA	496
Qurbanov B.G‘.	O‘ZBEKİSTONDA DINIY-MA'RIFIY NASHRLAR RIVOJLANISHI TARIXI	500
Bayjanova S.I.	INKYUZIV TA'LIM JARAYONIDA PEDAGOGIK FANLARNI O'QITISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH	505
Ganiev J.M.	MODELS OF SMALL-SCALE STRUCTURES IN DISK-LIKE SELF-GRAVITATING OBJECTS	509
Aхметова Е.Т.	ОТРАЖЕНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ, ДУХОВНЫХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ КАЗАХОВ В КАРКАРАЛИНСКОЙ ПЕТИЦИИ 1905 ГОДА	515
Маматова М.	ОБ УСТАНОВЛЕНИИ АКЦИЗА НА ЧАЙ В РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В ГОДЫ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ	521
Сайдова Ш.Ш.	СРЕДНЕВЕКОВЫЕ ИСТОКИ ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВА В МАВЕРАННАХРЕ И СОВРЕМЕННАЯ ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ОБЛАСТИ УРБАНИЗАЦИИ	525
Самаров Ф.У.	ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДАГИ КЎҲНА МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ	531
Турсунова Н.	ИЗУЧЕНИЕ НАУЧНОГО И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ МИРЗО УЛУГБЕКА В РАБОТАХ КИТАЙСКИХ УЧЕНЫХ	536
Latifova L.	MUSTAQILLIK YILLARIDA AMIR TEMUR DAVRI TARIXINING O'RGANILISHI	539
Xursandova M.J.	HUSAYN VOIZ KOSHIFIY ASARLARIDA "SUHBAT, MUOMALA ODOBLARI VA NUTQ MADANIYATI" HAQIDA	543
Altiboyev Y.E.	MIRZO ULUG'BEK YARATGAN MAKTAB VA UNING FAOLIYATI HAQIDA	545

***TARIXIY – MADANIY MEROSNI O'RGANISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI***

\*\*\*

***ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИКО – КУЛЬТУРНОГО  
НАСЛЕДИЯ***

\*\*\*

***INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE STUDY OF HISTORICAL AND CULTURAL  
HERITAGE***

Муминов А.Г., Муминов Э.А.	ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ	551
Ишанходжаева З.Р.	ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИИ И СОХРАНЕНИИ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ	558
Бекназарова С.А.	ТЕМУРИДСКОГО РЕНЕССАНСА	
	ВИРТУАЛЬНЫЕ ТУРЫ, ИНТЕРАКТИВНЫЕ ПРИЛОЖЕНИЯ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИКО- КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ	561

<b>Токоева Г.С.</b>	КОМПЬЮТЕРНОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ (на примере Жалал-Абадской области Кыргызской Республики)	566
<b>Анарбаева Г.А.</b>	ЦИФРОВЫЕ ТРАНСФОРМАЦИИ В ИЗУЧЕНИИ, СОХРАНЕНИИ И ПРОПАГАНДЕ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ КЫРГЫЗСТАНА	575
<b>Tog‘ayev J.E.</b>	“RAQAMLI TARIX” (“DIGITAL HISTORY”) SOHASI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	581
<b>Алиназарова Д.В., Рысбекова Л.К., Курбонова Л.Р. Хожиматов М.</b>	ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ВОЕННОЙ ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ УЗБЕКИСТАНА	586
	ТАРИХИЙ – МАДАНИЙ МЕРОС ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТҮЙҒУСИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ	591
<b>Eralov A.J.</b>	MUSTAQILLIK YILLARIDA O‘ZBEKISTONDA TURISTIK OBYEKTLARNI RAQAMLASHTIRISH JARAYONLARI	596
<b>Шакиров И.Р. Shamshiev F.T.</b>	ИЗ ИСТОРИИ ДИПЛОМАТИИ УЗБЕКИСТАНА	603
	ABOUT MODELING SB-GALAXIES USING A LOCAL INTEGRAL OF MOTION	606
<b>Ortikov U.X.</b>	THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY AND FOREIGN LANGUAGE IN THE STUDY OF HISTORICAL AND CULTURAL HERITAGE	608
<b>Komilov J.K.</b>	THE CRUCIAL ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN STUDYING HISTORICAL GRAPHIC SIGNS OF CENTRAL ASIA	612
<b>Илмурадова Ф. Ш.</b>	ТАРИХ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ	616
<b>Бойматов Б.</b>	TECHNOLOGIES FOR IMPROVING MEDIA COMPETENCE OF STUDENTS IN UNIVERSAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	620
<b>Унгарова О.К.</b>	ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ ОТДЕЛЬНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПОД ПОКРОВИТЕЛЬСТВОМ ИСТОРИЧЕСКИХ ЛИЧНОСТЕЙ В СРЕДНИЕ ВЕКА И ИХ СОВРЕМЕННОЕ РАЗВИТИЕ	626

***IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MASALALARI***

\*\*\*

***АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК***

\*\*\*

***CURRENT ISSUES OF SOCIAL SCIENCES AND HUMANITIES***

<b>Тошматов Ш.А.</b>	ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ПАЙДО БўЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ	631
<b>Бобров Л.А.</b>	ПЛАСТИНЧАТО-КЛЕПАННЫЕ ДОСПЕХИ «ТИМУРИДСКОГО ТИПА» КОНЦА XIV – XV ВВ.	637
<b>Ишанходжаева З.Р.</b>	ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ ЭЛИТА УЗБЕКИСТАНА И КУЛЬТУРНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ 1920-1940 ГГ.	640
<b>Büşra DOĞAN</b>	ÇİN HALK CUMHURİYETİ’NİN KÜLTÜREL DİPLOMASI: ORTA ASYA ÜLKELERİ ÖRNEĞİ	646
<b>Ishanxodjayeva Z.R., Maxkamova R.A.</b>	IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDA FRONT ORTIDAGI AYOLLAR JASORATI	652

<b>Юнусова Х.Э.</b>	КАТТА ЎРТА ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН ЎРНИ	658
<b>Холикулов А.Б.</b>	БУХОРО АМИРЛИГИГА К.БУТЕНЕВ БОШЧИЛИГИДАГИ МИССИЯНИНГ ТАШРИФИГА	664
<b>Мусаев Н.У.</b>	ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР ТУРКИСТОНДА ЧОРИЗМ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА САВДО-САНОАТ ВА БАНК КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ	668
<b>Исмоилов М.М.</b>	МИРЗО УЛУГБЕК ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАРНИНГ ШАЙХ ХУДОЙДОД ВА МУСОХОН ДАҲБЕДИЙ ИЖОДИГА ТАЪСИРИ	674
<b>Siddikov R.B.</b>	KADRLAR TAYYORLASH MILLIY DASTURI ASOSIDA O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIMNI ISLOH QILINISHI: NATIJA VA MUAMMOLAR	682
<b>Елкей Н.Н., Садыков Т.С. Очилдиев Ф.Б.</b>	ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ХАЙРЕТДИНА БОЛГАНБАЕВА В 1918-1920 ГГ. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ-XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	687 691
<b>Замонов А.Т.</b>	АМИР ТЕМУР ВА АБДУЛЛАХОН – МУШТАРАК ТАКДИР	698
<b>Кандахаров А.Х.</b>	ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН ВА ЖЎЙБОР ХОЖАЛАРИНИНГ ҚАРИНДОШЛИК РИШТАЛАРИ	704
<b>Тухтабеков К.А.</b>	ШАЙБОН УЛУСИ ВА АБУЛҲАЙРХОН БОШЧИЛИГИДАГИ ЎЗБЕКЛАР ТАРИХИ	708
<b>Нарбеков А.</b>	КУЛЬТУРНЫЕ УЧРЕЖДЕНИЯ СЕЛА: РОЛЬ И МЕСТО В УДОВЛЕТВОРЕНИИ ДУХОВНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ НАСЕЛЕНИЯ	713
<b>Худойқулов У.К.</b>	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА XX АСРНИНГ 70–80 ЙИЛЛАРИДА САНОАТ КОРХОНА ИШЧИЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА МУАММОЛАР ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ	718 723
<b>Эрназаров Ш.Э. Эргашев И.О.</b>	СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	729
<b>Эргашев У.Ж.</b>	ЎЗБЕКИСТОН ФИСКАЛ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	733
<b>Сафаров О.А.</b>	ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ ВА УНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	739
<b>Ergashev I.O.</b>	FISKAL SIYOSAT BO'YICHA XORIJUY MAMLAKATLAR TAJRIBASI VA UNI QO'LLASH MUAMMOLARI	744
<b>Пардаев Ф.Ғ.</b>	ЎЗБЕКИСТОН ФИСКАЛ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	750
<b>Курбонов М.А., Сафаров О.А. Ergashev U.J.</b>	ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ИНТИЗОМИНИНГ АҲАМИЯТИ SOLIQ ORGANLARINI RAQAMLASHTIRISH DAVR TALABI	754 759
<b>Курбонов М.А.</b>	ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ	763
<b>Бобомуродов А.А.</b>	ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИНИ БЮДЖЕТДАН ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ	768

<b>Giyasov S.A.</b>	МОVAROUNNAHRDA TEMURIYLAR DAVRIDAN	772
<b>Пардаев Ф.Ғ.</b>	KEYINGI SOLIQ MUNOSABATLARI ФИСКАЛЬ СИЁСАТ: ХОРИЖЙ ТАЖРИБА, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	779
<b>Muminov O.U.</b>	ENG QADIMGI ODAMLARNING NOMLANISHIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR	784
<b>Эгамбердиева Г.А.</b>	ТРАНСПОРТНЫЕ КОММУНИКАЦИИ КАК ОСНОВНОЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА (НА ПРИМЕРЕ НАК УЗБЕКИСТОН ХАВО ЙЎЛЛАРИ)	787
<b>Балтабаева М.М.</b>	ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ХОТИН- ҚИЗЛАР ҲАМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ	791
<b>Холикулова Ш.Б.</b>	НАВОЙЙ ВИЛОЯТИ КИМЁ САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ТАЪСИРИ	795
<b>Usarov U.A.</b>	XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON O'LKASIDA ROSSIYA IMPERIYASINING AGRAR SIYOSATIGA OID BA'ZI MULOHAZALAR	800
<b>Алиназарова Д.В., Саломова Б.Ж. Ишанходжаева Н.Х.</b>	ИЗ ИСТОРИИ ЖЕНЩИН ЛИНОТИСТОВ И ЖУРНАЛИСТОВ «АНДИЖАНСКОЙ ПРАВДЫ» НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ГЕНДЕРНОЙ СИТУАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ	805
<b>Салауат Н.С., Сейтказина К.О. Акрамова Ф.А.</b>	РОЛЬ КАЗАХСКИХ БАЕВ В ТРАДИЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ (XIX – начало XX века) ПОДГОТОВКА КАДРОВ – ЖЕНЩИН В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ 80-Е ГОДЫ XX ВЕКА	810
<b>Парманов Ш.Э.</b>	МУНЧОҚЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ	815
<b>Адилов Ж.Х.</b>	ПЁТР I НИНГ “ШАРҚИЙ СИЁСАТИ”: МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАРИХИГА ДОИР	819
<b>Ҳамраев С.А.</b>	МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНГЛИЗ-РУС РАҶОБАТИ ТАРИХИ ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА (МДҲ давлатлари тадқиқотчилари мисолида)	822
<b>Шосаидов А.С.</b>	ИШ ЮРИТИШ ҲУЖЖАТЛАРИДА АҲОЛИ КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР	827
<b>Ergashev H.Y.</b>	TARIX FANI ADABIYOTLARINING RIVOJIDA O'ZMU TARIX FAKULTETINING O'RNI VA AHAMIYATI	832
<b>Qosimov M.R.</b>	O'ZBEKİSTONLIK PARTİZANLARNING SHARQIY YEVROPA VA JANUBİY-SHARQIY HUDUDINI OZOD ETİSHDAGI ISHTIROKI (Chexoslovakiya misolida)	838
<b>Raxmanova M.Sh.</b>	QUYI AMUDARO IQTISODIY RAYONINING TABIIY HAMDA IQTISODIY XUSUSIYATLARI	841
<b>Ҳайдаров З.Б.</b>	XIX АСРДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ РОССИЯ БИЛАН САВДО МУНОСАБАТЛАРИ	844
<b>Quvonov S.Z.</b>	XVI ASR MA'NAVIY HAYOTIDA YASSAVIYA TARIQATI ALLOMALARI	848
<b>Файзрахманова З.И. Sirojov B.N.</b>	БУХОРО ХОНЛИГИГА ОИД МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ SHAYBONIYXON BUNYOD ETGAN MADRASA XUSUSIDA	855
<b>Abduraimova M. B.</b>	BUXORO AMIRLIGI IJTIMOIY-IQTISODIY HAYOTIDA METALLURGIYA SOHASINING O'RNI	859
		867
		871

<b>Abdurasulova F.B.</b>	BUXORO AMIRLIGIDA TA'LIM TIZIMI	876
<b>Kendjaev Y.Y.</b>	O'ZBEKISTONDA HARBIY SANOATNING IZGA	879
<b>Abdurashov Sh.R.</b>	TUSHIRILISHI VA UNING NATIJALARI XV ASR OXIRI – XVI ASR BOSHLARIDA TOSHKENTDAGI SIYOSIY JARAYONLAR	885
<b>Kamolova M.F.</b>	TURKISTON GENERAL-GUBERNATORLIGI TARIXIDAGI “IKKINCHI KAUFMAN” – N.A.IVANOV(MI?)	895
<b>Ne'matov Sh.U.</b>	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMINI MODERNIZATSIYALASH (HARAKATLAR STRATEGIYASI MISOLIDA)	899
<b>Нурбаева Д.З.</b>	УЗАКБАЙ КУЛЫМБЕТОВ - НАРОДНЫЙ КОМИССАР ВНУТРЕННИЙ И ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ КАЗАХСКОЙ АССР. 1928-1930 ГГ.	904
<b>Hayitboyeva Q.I.</b>	XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA XIV XONLIGINING IJTIMOIY-SIYOSIY HAYOTI	910
<b>Собиржонова М.А.</b>	ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА НА ПРИМЕРЕ ШОС	913
<b>Saidova Ch.D.</b>	TURKISTON VILOYATIDA HARBIY-MA'MURIY HOKIMIYAT BOSHQARUVINING VUJUDGA KELISHI	917
<b>Хасанова М.</b>	АРХИТЕКТУРА ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ И ИСТОРИЯ ИХ ИЗУЧЕНИЯ В ПЕРВОЙ ЧЕТВЕРТИ ХХ ВЕКА	920
<b>Ishquvatov F.X.</b>	ILK TEMIR DAVRI IJTIMOIY MUNOSABATLARI TARIXI REKONSTRUKSİYASIGA DOIR (Qadimgi Baqtriya misolida)	924
<b>Kenjayeva N.T.</b>	MARKAZIY OSIYO QADIMGI TARIXIY-MADANIY VILOYATLARI JOYLASHUVIGA DOIR	927
<b>Давлатхужаева Т.</b>	ФОРМИРОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА В 1990-Е ГОДЫ	931
<b>Xayrullayeva M.O'.</b>	ILM-FAN TARAQQIYOTIDA OLIMA AYOLLARNING O'RNI	934
<b>Каромов Ш.</b>	АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЖАНУБИЙ ЎЛКАЛАРИДАГИ ДИНИЙ ЭЪТИКОДЛАР ВА МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ	938
<b>Рахматуллаева Ф.С.</b>	МЕДИЦИНСКИЕ ПРАКТИКИ В АВЕСТЕ	943
<b>Отахўжаев А.</b>	ҚАДИМГИ ЗАРДУШТИЙЛАР ТАҚВИМИ, МОВАРОУННАҲРДА АСТРОНОМИЯ ВА МИРЗО УЛУҒБЕК ФАОЛИЯТИ	949
<b>Юсупова X.</b>	ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА: ИЖТИМОИЙ -ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ ВА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ	955
<b>Раишев Т.Т.</b>	АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ КОЛОНИАЛЬНОЙ ИСТОРИИ: ТУРКЕСТАН И ВОЕННАЯ МЕДИЦИНА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ	958